



Жадидлар XIX аср охири – XX аср бошида Россия империясида мусулмон модернист ислохотчилари бўлган. Улар ўзини “тараккийпарвар”, “зиёли” ёки факат “Ёшлар” деб атаган кишилар эди. Гарчи ҳаракат ичида жиддий мафкуравий келишмовчиликлар бўлган бўлса-да, жадидлар аксил-клерикал ҳаракат бўлган, таълим соҳасини ислох қилиш ҳамда мактабларда “усул ул-жадид” ёки “янги усул”ни татбиқ қилиш ва ривожлантиришга интиланган. Умуман олганда, уламо ва ислом рухонийларига қарши муваффақиятли кураша олган бўлса-да, улар ҳам совет давлатининг қурбони бўлди. Жадидлар маҳаллий буржуазия ва аксил-инкилобий гумашталар сифатида қораланди ва кўпчилиги отиб ташланди.

Ўзбек тарихчиси Дилором Алимова жадидлар тарихи, гоялари ва энг ёрқин вакиллари, хатолари ва ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади.

Дилором Аъзамовна Алимова — тарих фанлари доктори (1991), профессор (2001), тарих фани назарияси ва методологияси, маданиятшунослик ва тарихшунослик муаммолари, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, Ўрта Осиёдаги “аёллар масаласи”, шунингдек, Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихининг турли жihatлари бўйича етакчи тадқиқотчи (Википедия).

Жадидчилик қелиб чиқишига сабаб бўлган омиллар ҳақида гапириб берсангиз. Ушбу ташаббускорлар пайдо бўлган тарихий шароит қандай эди? Бу тарихда қайси давр бўлган?

Жадидлар ким бўлганини тушуниб олиш учун ўша давр тарихини жуда яхши билиш зарур. Жадидчилик XIX аср охири – XX аср бошида пайдо бўлди. Агар биз жадидчилик пайдо бўлишининг тарихий сабабларини тушунишни истасак, тарихга бирох чуқурроқ кириб боришимиз, XIX асрдаги фалсафа ва маърифатнинг кучайиши, канчалик гайритабиий кўринмасин, Ўрта Осиё хонликларининг XVI асрда Буюк ипак йўли заифлашиб қолгани билан боғлиқ тарзда юзага келган қолоқлиги объектив сабабларини англаб олишимиз керак бўлади. Ўша вақтда денгиз йўллари очилиб, Ғарбда, Европада технологиялар жадал ривожлана бошлади. Субъектив сабаблар эса халқ ҳўжалиги ва умумий ривожланишга улкан зарар етказган ички урушлардир.

Туркистонни Россия империяси босиб олгандан кейин ўлка метрополияни табиий

бойликлари, хусусан, пахта ва ипак билан бегараз таъминлаб турган хомашё базасига айланди. Кейинчалик бошка табиий ресурсларни ҳам казиб олиш ва марказга хайдаб бериш дастури ишлаб чиқилди, факат ушбу максадларга эришишда хизмат килувчи сохалар ривожлантирилди. Рус сармоясининг Туркистонга кириб келиши, албатта, банклар ривожланиши, темирйўллар қурилишига туртки берди, аммо судхўрлик капиталининг ривожланишидан синган дехконлар сонини жиддий тарзда ошириб юборди. Бунга мана бундай ракамлар мисол бўла олади: 1912 йил ноябрига келиб, аҳолининг қарз берувчи ташкилотлар олдига қарзи 157 миллион рублга етди. 1917 йилга келиб, Фаргона вилоятининг айрим уездлари – туманларида ерсизлар 30 фоизга, Андижон вилоятида эса 50 фоизга етди. Туркистондаги аҳвол қандай бўлганини шу ракамлардан ҳам билиб олас бўлади. Шу билан бирга, маданий инкироз, бутунлай сафсатага айланиб қолган таълимнинг аҳволи ҳақида ҳам гапиришга тўғри келади. Умуман, бу даврга келиб, ислом фалсафаси қадрини йўқотиб бўлди, яъни у содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг уламо тарафидан маиший талқинига айланиб қолди, ҳолос.

Шунинг учун жадидлар – ёшлар, бу эса ёшлар ҳаракати эди. Мен жадидларнинг ёш таркибини ўргандим. Маълум бўлишича, машҳур жадид ва ёшларнинг сеvimли ёзувчиси Чўлпон 1910 йилда 13 ёшда, Бехбудийнинг ёши эса 30 ошиқрок бўлган экан. Ўша ҳаракат иштирокчилари факат ёшлардан иборат экани маълум бўляпти. Айни масалага ёнгдашилганда, шундан келиб чиқиш керак бўлади. Бу ёшлар интеллектуал жихатдан ривожланган ва Туркистоннинг жаҳон тараққиётидан орқада қолаётгани сабабларини тушунар эди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, маърифатпарварликнинг чуқур илдизлари бўлиб, факат жадидчилик кўринишида зухур бўлгани йўқ. Унинг маърифатпарварлик илдизлари ҳам бор эди ва жадидчилик ушбу ҳаракатнинг аккумулятори – қувват йигувчиси бўлди. Албатта, у олдинги адабиёт, олдинги фалсафа ютуқларига асосланган. Жадидлар ўзини ушбу фалсафанинг таҳлилчилари сифатида ҳам намоён қилди. Биламизки, машҳур маърифатпарвар Аҳмад Дониш, шоирлар Муқимий, Фуркат, Ҳамза, Ўбайдулла Завкий, Муҳаммад Баёний, Абай Қўнонбоев ва олим Чўқон Валихонов ислохотнинг ҳассос тарафдорлари бўлган, улар боши берк кўчадан чиқишни нафакат маърифатда, қолаверса, туркий халқлар бирлигида кўрган. Ўтмишдошларидан анча олдинлаб кетган ва маърифатпарварликдан сиёсатга ўтган жадидлар шу заминда униб чиққан.

Биз жадидлар ҳаракатини феномен деб атаيمиз, тўғрими? Агар улар мавжудлиги жуда оз вақт оралиги ва муайян сиёсий воқеалар билан чекланмаганда, мен бунини кичик Ренессанс деб атаган бўлар эдим. Агар жадидлар фаолиятини яна бир неча ўн йил давом эттирганида, жуда яхши натижага эришган ҳамда аҳоли уларни яхши қабул қилган, гоёлари яхши тарқалган бўлар эди. Жадидчиликнинг ўзига ҳослиги нимада? Энг аввало, уларнинг ақл-заковати фавқулодда юксак ривожланган, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ҳақида муайян билимга эга бўлган. Деярли барчаси олий диний таълим олиб, Навоий, Жомий, Ғузулий шеърини, ўрта асрларда яратилган фалсафий рисолаларни ўқиб ва ўқиб, бу билимини ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқлари билан бойитган. Айни ҳол жадидларнинг фалсафий дунёқарабини белгилиб берган ва бу таълим соҳасини, умуман олганда, маърифатни ислох қилиш борасидаги фаолиятида ақс этган. Жадидлар нафакат бундай ислохот ўтказишни назарий жихатдан асослаб берган, қолаверса, маърифатни амалга ошириш учун амалда ҳам тинмай ҳаракат қилган: улар янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар очган, дарсликлар, газеталар

чоп этган, илк театр ташкил этган, бу аҳоли учун кўз кўриб, кулок эшитмаган янгилик бўлиб, жуда катта таъсир кучига бўлган ва одамлар онгида инкилоб ясаган. Шу ўринда М. Бехбудийнинг “Падаркуш” пиесасини эслаб ўтиш жоиз, унда билимсизлик, жохиллик фожиага сабаб бўлиши кўрсатиб берилган ва ёшлар онгида чин маънодаги инкилоб ясаган эди.

Совет тарихшунослигида Кримда истикомат килган Исмоил Гаспринскийни жадидчилик асосчиси деб ҳисобланади. У киши хакида сўзлаб берсангиз. Бу жадиднинг асосий гоълари нималар бўлган ва нега ўша гоълар Россия империясининг айнан Марказий Осиё қисмида бунчалик яхши кутиб олинган?

Ха, Исмоил Гаспринский – жадидчиликнинг отаси, чунки у маърифатпарварлик фаолиятини Кримда бошлаб, шу билан чекланиб қолгани йўқ ҳамда “Вакт” ва “Шўро” деб аталган 2 та буюк газета ташкил қилган. Бу газеталар Кримдан ташқарида ҳам кенг тарқалди. Ўша газеталар таъсири жуда катта бўлган – у Марказий Осиё зиёлилари учун чин маънодаги кашфиёт эди, чунки газетада нафакат бошқа давлатлар, мамлакатлар ва шаҳарлар тараккиёти, шунинг баробарида янги усул мактабларининг аҳамияти хусусида ахборот берилган, уларда туркий халқларнинг сиёсий эмас, маънавий жихатдан бирлашиши зарурлиги бот-бот такрорланган. Шунинг учун газета сонлари бу ерга олиб келинадиган бўлди. Ўрта Осиё жадидчилиги отаси деб тан олинган Махмудхўжа Бехбудий 1903 йилда иккинчи марта қилган ҳажини Россияни, хусусан, бошқа Шарқ мамлакатларини ўрганиш билан омухта қилди ва ўша йили Исмоил Гаспринский билан учрашди. Бу пайтга келиб, Бехбудийнинг ўз маблаг иқсобига очилган кўплаб хусусий мактаблари бор эди. У “Самарқанд” деб аталган газета чоп эттирган. Гаспринский билан суҳбати олимни тўғри йўлдан кетаётганига ишонтирди ва шу йўлдаги бундан кейинги ҳаракатини тўғрилаб олди. Шу сабабли Гаспринскийни Марказий Осиёда ҳам ушбу ҳаракатнинг раҳнамоси деб аташ мумкин.

Унинг таъсири жуда катта бўлган. Гаспринский Бухорога қелгани, ушбу шаҳрдаги жадидлар мактабига боргани, ҳатто амир билан бундай мактабларнинг фойдаси ва амир ушбу мактаблар ривожланишига ёрдам бериши зарурлиги хакида гаплашгани маълум. Лекин, таассуфки, бундай бўлмади. Амир фармони билан бу мактаблар ҳам, очилган бошқалари ҳам ёпилди. Лекин бу энди бутунлай бошқа – Бухоро жадидчилиги тарихи.

Эслатиб ўтганимиздек, Россия империясининг Ўрта Осиё қисмида жадидлар ҳаракати жадал ривожланди. Бу ерда Бехбудий, Фитрат ва бошқа етакчилар етишиб чиқди. Айни чоқда Ўрта Осиё жадидчилигини Бухоро ва Хива жадидчилигига бўлиш урф бўлган. Ўша даврда Козогистонда “Алаш” ҳаракати ривожланган, у ҳам модернистлар ҳаракати, ҳатто жадидчилик ҳаракати деб аталган. Туркистонда шунга ўхшаш “Шўрои ислом” ҳаракати ривожланган ва унга ўзбек маърифатпарварлари Мунавварқори Абдурашидхонов етакчилик қилган, унинг фаолларидан бири жамоат арбоби Мустафо Чўқай бўлган. Жадидчиликнинг ушбу минтақавий бўлинмалари қайси жихатдан ўзаро ўхшаш ва қайси жихатлари ўзаро фарқли бўлган?

Биласизми, агар уларни таккослайдиган бўлсак, сиёсий вазият ва давлатнинг сиёсий қурилмасини ҳисобга олишимиз шарт бўлади. Масалан, Бухорода жадидчилик қувгинга учраган. Бу амирнинг ҳеч қандай янгиликни истамаслиги билан боғлиқ эди. Хива хонлиги ҳақида бундай деб бўлмайди, чунки Хива хони Муҳаммад Раҳим – Феруз таҳаллуси билан шеърлар ёзган – маърифатли инсон бўлган. Унинг шарофати билан илк босмаҳона Россияда сотиб олиниб, Хивага олиб келинган, биринчи жадидлар мактаби, ҳатто киз болалар учун жадидлар мактаби очилган. Яна Хива хони вазири Ислохўжанинг ушбу ҳаракатда ҳомий сифатида қилган ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, чунки у “усул ул-жадид” мактабларини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам берган ва бундай мактаблар аҳамиятини тушунган. Зикр этилган барча минтақалардаги мактабларни бирлаштириб турган нарсаси шуки, жадидлар ўз маданияти билан чекланиб қолмаслигини, халқ қолқоғи бўлиб қолгани сабаби Гарбнинг технологик ютуқларини жалб этишни ҳуш кўрмаслик эканини яхши англаган.

Кўпчилик жадидларни гарбпарастликда айблаган. Мен ушбу мавзуда алоҳида мақола ҳам ёзган эдим. Улар гарбпарастлигини тушунмас бўлади. Бу нафакат жадидлар фалсафасига, балки ташқи кўринишига ҳам таъсир кўрсатган. Улар ҳатто европаларга ўхшаб кийиниб, чармдан тикилган пойабзал кийиб юрар, сўнгра мулалар жадидларни чўчка терисидан тикилган оёқ кийим кийганликда айблар, лекин улар бунга парво қилмас эди. Жадидлар, агар биз Гарбнинг маданий ва технологик ютуқларини билмасак, қалайимиз барбод бўлади, деб ҳисоблаган.

Туркистон ҳақида нима дейиш мумкин? Бу ерда Россияда юз берган жараёнларнинг турткиси қучли бўлди ҳамда Эрон, Хитой ва Хиндистондаги инқилоблар қаттиқ таъсир кўрсатди. Биз 2004 йилда “Жанубнинг ёшлар ҳаракати” деган мавзуда – яъни сайёрамиз жанубига бағишлаб – халқаро конференция ўтказдик. Маълум бўлишича, Осиёнинг барча мамлакатларида ўша вақтда ривожланган ҳаракатлар бўлган экан. Бу ўринда ўзаро таъсирлашув ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Мен Эрон, Хиндистон, Хитой ва Россияни тилга олиб ўтдим, албатта, Марказий Осиёдаги алоқалар жуда қалин бўлган. Алаш-Ўрда Республикаси Туркистон Мухторияти деб аталган республика ташкил этилиши билан параллел равишда кечди, уни тарихшуносликка оид адабиётларда Кўкон Мухторияти деб аташ расм бўлган. Декларацияга ва Лениннинг халқларларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги декретига ишонган жадидлар ва тарафдорлари Кўкон шаҳрида – Тошкент қизил армия аскарлари билан тўлиб-тошган эди – Россия Федератив Республикаси таркибида мустақил республика ташкил қилди. Улар ўша пайтда Россия таркибидан чиқиш мумкин эмаслигини, Россиясиз ҳалокатга маҳкум бўлишини тушунган. Бироқ шу билан бирга ўзига ҳосликлар – тараккиётнинг миллий ўзига ҳосликларини ҳисобга олган ҳолда мухторият талаб қилган. Айни ҳолат Алаш-Ўрдада ҳам юз берган, ҳусусан, Мустафо Чўқай мана шу республиканинг биринчи ҳукумати раиси бўлган – бу зикр этилган ҳаракатлар ўртасидаги алоқалар қалин бўлганини кўрсатади. Озарбайжонда ҳам Озарбайжон Республикаси ташкил этилгани эълон қилинди, бу Бошқирдистонда ҳам юз берди. Ушбу ҳолат Малайзия, Хиндистон ва бошқа кўплаб Осиё мамлакатларида ҳам содир бўлди. Лекин пировардида болшевиклар ҳукумати бу республикаларни йўқ қилди.

Муҳокама қилиб ўтганимиздек, жадидларни клерикал консерватизмга қарши қураш бирлаштирган, лекин улар ҳаммаси диндор қишлоқлар бўлган. Жадидлар муҳитида исломни ислоҳ қилиш бўйича айланиб юрган гоёлар ҳақида гапириб берсангиз. Бу ерда яна гапни узокдан бошлашга тўғри қелади. Россия империяси минтақани босиб

олгандан, бу ерга Россия сармояси кириб келгандан сўнг Туркистоннинг жадал тарзда метрополия хомашё базасига айлантирилиши маиший ҳаёт ва ҳукукий меъёрлар ўзгартирилишини талаб этиши муқаррар эди. Бу жараён оғир бўлган, чунки бундай вазият янгиликларга нисбатан турлича, аксарият ҳолларда салбий муносабатни келтириб чиқарган. Ислом динининг догматик фикх тизими шу тарзда тузилган эдики, унга кўра, ўша тизимни тамсил этувчи кишилар ҳар қандай янгилик – бидъатга тегишли баҳо бериши, ўша янгилик қабул қилса бўладиган ва яхши ёки қабул қилса бўлмайдиган, шубҳали, ёки маълум шартлар билан тан олиниши керак бўлган. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, янгиликка илоҳиётшунослик нуқтаи назаридан баҳо берилиши алоҳида долзарблик касб этган, айтилиши баҳо мусулмонларнинг янги жараёнларда қатнашишини оқлашга, уларга ижозат этилишига имкон берган. Буни амалга ошириш учун аввало бошқа динларга нисбатан бағрикенгликни шакллантириш зарур эди, чунки барча янгиликларга оддий халқ тилида қоғирлар деб аталган бошқа динлар вакиллари: христианлар, яҳудийлар ва ҳк. ишлаб чиқарган нарсалар сифатида қаралган. Яъники, Россиядан олиб келинган босмаҳона, босмаҳона станогини ёки мусика грамофони ва яна бошқа нарсаларни олайлик. Албатта, мусулмонлар буларга қоғирлар, яъни христианлар ишлаб чиқарган нарса деб қараган, улардан фойдаланиш керакми ёки йўқлигини, дин бу масалага қандай қарашини билмаган. Туркистоннинг миллий тараккийпарварлари ушбу диний бағрикенгликнинг чин маънодаги ифодачилари эди. Уларнинг диний билими, дунёқараши ва интилишлари билан бунга тўла ҳаққи бўлган. Сиз тўғри айтганингиздек, уларнинг машҳур вакиллари нафакат мадрасаларни тугатган, қолаверса, диний рутбага ҳам эга бўлган. Масалан, Махмудхўжа Бехбудий ота-бобосидан муфтийликни мерос қилиб олган ва вақтида Самарқанд вилоятида ушбу лавозимни эгаллаган. Мунавварқори мадрасини тугаллагандан сўнг Тошкентдаги “Дархон” масжидида имом бўлиб ишлаган, Исҳоқхон Иброт эса Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида қозилик қилган.

Ўтмишнинг маданий капиталига, саёҳат қилиш, Европа, шунингдек, ривожланган мусулмон мамлакатларининг саноат ва маданият соҳасидаги ютуқлари, турли зиёлилар ва ҳар хил ижтимоий ҳаракатлар вакиллари билан танишиш имкониятига эга бўлган жадидлар Туркистон қанчалик тараккийётдан ортида қолиб қетганини жуда яхши англаётган эди. Шунинг учун Ўрта Осиёнинг мусулмон маданий анъанасини модернизация қилишни ёқлаб чиқа бошладилар. Улар ислохотни ислом таълимотини англаб етишдан бошладилар. Шу сабаб Қуръон ва ҳадислардан ҳамма нарса билимга таянишини тасдиқловчи ўринларни излашга тушди. Биламизки, Қуръоннинг $\frac{1}{4}$ қисми тарихга бағишланган, бутун бошли тарих эса ўтмишнинг интеллектуал тажрибасини тушунмай туриб, жавон интеллектуал тажрибасини англаб олмай туриб, бирор нарсага эришиб бўлмаслигидан далолат беради. Америкалик тарихчи Адиб Холид фикрича, Ўрта Осиё жадидчилиги мусулмон модернизми қорчўплари билан маҳаллийлаштирилган эди. Биз жадидчиликни мусулмон модернизми деб аташимиз мумкинми? Бу саволга қисман “ҳа” деб жавоб берса ҳам бўлади, чунки улар фаолиятининг анча-мунча қисми аҳолига Аллоҳ бандасига “ўқи” деб айтганини исботлашдан иборат бўлган. Қуръонда, “Илми Чинда (Хитойда) бўлса ҳам ўрганинлар”, дейилганини биламиз[1]. Унинг риторик тузилмаси илдизлари Ўрта Осиёнинг мусулмон анъанасига қориб такалади, шунинг учун жадидлар, анъанага кўра, ислом динига таянган. Замонавийлик ислом динининг ҳақиқий мазмунига қорланган, қарайди барча асрлар давомида пайдо бўлган ўсимталаридан тозаланган ислом мусулмонлар қаровонлигини таъминлаши мумкин эди. Жадидларнинг

гоёси шу бўлган. Дунёга янгича назар билан боқар экан, исломни тушунди, мусулмонлик нима эканини англади. Уларнинг жамиятни янгилаш назариясида тараккиётда жуда олдинлаб кетган Европа билан яқинлашиш, энг яхши ютуқларини ўзлаштириш ҳақидаги масала жиддий ўрин тутган. Исломни окламасдан бунинг иложи йўқ эди. Туркистоннинг мустамлакадаги ҳолати сабаб бўлган инкирозли вазиятдан чиқиш энг аввало Европа тажрибасидан фойдаланган кўйи маданий ислохотлар ўтказишда кўрилган. Улар жуда кўп китоблари ва мақолаларида мусулмон руҳонийлари фикрлари ва амалларини тез-тез ислом динини тушунмаслик ва Куръонни яхши билмаслик билан изоҳлаган. Кўплаб асарларда шундай йўл тутилгани кўзга ташланади. Масалан, Абдурауф Фитратнинг “Мунозара” китоби ва хинд сайёҳи тилидан ёзилган ҳикояларида шу ҳолатни кўриш мумкин. Икки нафар чет эллик Куръоннинг солиҳ нуктадонлари сифатида тасвирланади ҳамда муаллиф улар номидан Туркистон ва Бухородаги таълим, армияни бошқариш, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳолатига баҳо беради. Фикримча, Фитрат бир асарида бир европалик – французни, иккинчисида эса Ўрта Осиёлик бўлмаган хиндни беҳуда танламаган ва улар номидан тараккиётнинг объектив сабаблари ва унга чорловчи Куръон оятлари ҳақида бекорга фикр юритмаган. Менимча, бу одамларга, ёшларга, ислом инсон кўли тегадиган ҳар бир нарса билим талаб қиладиган дин эканини кўрсатиб бериш учун жуда яхши усулдир. Жадидлар бошқа, айниқса, мусулмонларники бўлмаган маданиятлар ва динларга нисбатан ёмон кўз билан қарамаслигини кўрсатишни яна бир қарра тасдиқлаш учун тез-тез Европа ва Осиё тарихига мурожаат қилиб турган. Ўзок тарихий тараккиёт давомида маданиятларнинг мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтиши, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, қадриятларининг биридан иккинчисига ўтиши ва бир-бирига қириб бориши ҳақидаги назария бағрикенглик ташвиқотининг асосий воситаси бўлиб хизмат қилган. Масалан, баъзи кишилар Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё Европага жуда кўп нарса берган, деб ҳисоблаган. Улар IX – XII асрлардаги Ренессансни ҳамда Темур ва Темурийлар давридаги иккинчи Ренессансни ҳисобга олиб, Европа илм-фан ва тиббиёт ривожланиши (Ибн Синонинг “Тибб конунлари” асари) соҳасида жуда кўп нарса олган деб билган. Энди эса улар, биз Европадан оладиган вақтимиз келди, чунки ушбу Ренессанс XVI асрда Маърифат асридан бошланиб, Европага кўчиб ўтган, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин, гарчи одамлар турли динга итоат этиб, турли мамлакатларда истикомат қилса-да, турли қабилалар ва миллатларга мансуб эса-да, бир отанинг фарзанди ва зурриёти эканига шубҳа йўқлигига ишончи қомил бўлган. Бошқача айтганда, улар – оғани, модомики, шундай экан, бир-бирига меҳр қўйиши ва бир-бирини яхши кўриши шарт. Улар асарларида Европа мусулмон Ренессанси давридаги Ўрта Осиёнинг дехқончилиги, ҳунармандчилиги ва санъати, илм-фани ва билим соҳасидаги ютуқларини ўзлаштиргани бот-бот тилга олинади.

Улар энди қайта ўзлаштириш вақти келганини тушунади, демокчиман. Фитрат мана бундай деб ёзган эди: “Таассуфки, агар бир йўқотилган маданиятимизни, тамаддунимизни қайтариш учун, ҳеч бўлмаса, бир ҳаракат қилмасак, уламомиз, сен кофир бўлдинг, деб айтади ва бизга ҳалакит бера бошлайди”. Махмудхўжа Бехбудий замонасидан шунчалик олдинлаб кетган киши эдики, Баҳоуддин Накшбанд макбарасига борганда, унинг атрофида шунчалик кўп масжид қурилганини кўриб, ўша вақт учун жасорат бўлган бир гапни айтади: “бир мусулмон учун бунчалик кўп масжидларнинг қираги йўқ, унга ибодат қилиши учун битта жойнамознинг ўзи етади. Бунчалик кўп масжид қургандан кўра, унга сарфланган маблаққа фарзандларимизни чет элга ўқишга

юбориш вақти келмадимикан?” Умуман, улар гоёлари, ислом динини ислох қилишга интилиши бошқа динларга нисбатан бағрикенгликни тарбиялаш ва Ғарбдан билим ўзлаштиришни ўз ичига олган.

Маълумки, жадидларнинг газеталари улар ҳаракат қилиши учун фойдали жарчи вазифасини ўтаган. Бундай газеталарни қим ўқиган? Умуман, жадидларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш қандай бўлган?

Ўрта Осиёда ҳомийлик ҳаракати яхши ривожланган эди. Тадбиркорлар, бойлар ва савдогарлар орасида жадидларга ҳомийлик қилган кишилар кўп бўлган. Масалан, машҳур Азимбоевлар уругини олайлик. Бу донгдор уруг вакиллари ҳали Россия Ўрта Осиёни босиб олмай туриб, Россия билан савдо алоқалари ўрнатган, ўша ерга катнаб турган. Албатта, уларга яхши, маълумотли, рус тилини биладиган мутахассислар керак бўлган, шунинг учун улар ушбу мактаблар ва газеталарнинг аҳамиятини яхши тушунган. Масалан, Саид Азимбоев бундай мактаблар очиш учун махсус жой ажратган, пул берган. Андижон вилоятидан Миркомилбой ҳам пул ажратган. Бундай кишилар жуда кўп эди. Улар газеталарга ҳомийлик қилган, чунки ҳомийлик маблағларисиз газеталарни чоп этишнинг иложи бўлмаган. 1900 йилдан бошлаб, Ўрта Осиё учун нисбатан кўп газеталар пайдо бўлган. Масалан, 1906 йилда Обидов муҳаррирлигида “Тараккий” газетаси нашр этилган, ўша йили Мунавварқори раҳбарлигида “Хуршид”, 1907 – 08 йилларда Абдулла Авлоний муҳаррирлигида “Шухрат” газетаси чиқа бошлаган. Бектемиров “Осиё” газетасига раҳбарлик қилган. Бирок тез орада мустамлакачилар ҳукумати ўз эксперти Остроумов берган маълумотга таяниб, ушбу нашрларни ёпади. Остроумов мактаблар ва газеталарни ёпиш учун кўп “жонқуярлик” қилган. Бирок маърифатпарварликнинг газета ва журналлар чоп қилиш билан ифодаланган янги тўлкини 1913 йили бошланди ҳамда “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Эл байроғи”, “Кенгаш”, “Турон” ва Ойна” сингари газета ва журналлар дунё юзини кўрди. 1917 йилга келиб, Туркистон мухторияти ўрнатилгач, “Хуррият”, “Нажот”, “Буюк Туркистон” ва энг муҳими, Саид Азимбоевнинг шарофати билан “Тужжор” газетаси пайдо бўлди. Ўша газета жадидлар учун минбар вазифасини ўтади, ислохот борасидаги гоёларини тарғиб қилиш билан янада кўпроқ имкониятлар очиқ берди. Умуман олганда, улар сони 15 та бўлиб, улкан мафкуравий қучга эга эди. Мен 1917 йилдан сўнг матбаа ишлари қанчалик ривожланганини билмайман, чунки энди бошқа қонунлар амал қила бошлаган эди. 1918 – 1919 йилларга келиб, Совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилишга рози бўлган жадидлар фаолият кўрсатган қайсидир газеталар бошқа номлар билан чиқиб турган. Лекин орадан кўп ўтмай ҳаммаси ёпилиб кетди.

1916 йилда Россия империясида “янги усул”га асосланган 5000 дан ошди мактаб бор эди. Ушбу мактабларнинг ташкил этилиши ва ривожланиши ва уларда рус тилига қандай муносабат бўлгани ҳақида гапириб берсангиз.

1917 йилда Туркистонда 100 та жадидлар мактаби бўлган ва албатта, улардаги ўқитиш муллалар ва мусулмон руҳонийлари қаршилигига учраб турган. Аввалбошданок бу мактаблар Европа мактабларига яқин ва таълимни ривожлантиришга ёрдам беради, деб қаралган, лекин тез орада бундай янги мактаблар омма онгига янгиликлар олиб қираётгани ва ёшларнинг саволлари қўпайиб кетаётгани, жумладан, миллий онг

уйғонаётгани фахмланган. Ва навбати билан ёпила бошлаган. Бундай мактаблар жуда кўп нарсга бераётган эди. Албатта, аҳоли аста-секин ота/она савод чиқариш учун фарзандини 40 кун ўқитиши кераклигини тушуна бошлади, оддий мактабда эса бола 10 йил ўтиради, мадрасада эса 10 – 15 йил ўқийди ва факат Куръонни ёд олади. Яна мактабда хивич билан савалаш тизими мавжуд эди. Албатта, улар айна мактабларни устувор аҳамият бериши зарур бўлган муассаса деб тушунган, лекин айтиб қўйишим жоизки, жадидлар ҳаракатини кенг микёсли бўлган дейиш хатодан бошқа нарсга эмас, чунки аҳолининг аксарият қисми мусулмон рухонийлари таъсирида бўлган, жадидлар мактабларида тафаккури ривожланган ва бу мактабларнинг истикболини тушунган кишилар фарзандлари таълим олган. Жадидлар мактабларини Европа мактабларига бевосита ўхшаш бўлган, дейиш қийин, лекин уларда ўша мактабларнинг дастлабки намуналари (прообраз) бор эди. Биринчидан, улар парталар билан жиҳозланган, бу мактаблардаги болалар мусулмон мактабларидаги сингари ерда ўтирмаган ва ўқитувчилар уларнинг боши устида калтак ўйнатиб турмаган. Жадидлар мактабларида китоблар, кейинчалик эса хариталар бўлган.

Бу ўринда дарсликлар нашр қилишда Махмудхўжа Бехбудий ва Мунавваркорининг хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Дастлаб дарсликлар бўлмаган. Улар Россиядан олиб келинган ва татар мактабларига мўлжалланган бўлган. Исмоил Гаспринский бу масалада катта ёрдам кўрсатган. Жадидлар сўнгра ўзи дарсликлар чоп қилишга ўтган. Мунавваркори ва Бехбудий жуда кўп дарсликлар ёзган. Масалан, “Китоби аввал” ёки математика, адабиёт, география бўйича дарсликларни олайлик. Албатта, улар қайсидир даражада Россия дарсликларидан ўзлаштирилган бўлиши мумкин, лекин шунга қарамай, бу жуда катта олга силжиш эди. Жадид мактаблари синфларида глобуслар турган. Бу эски микёслар билан солиштирганда, бутунлай янги нарсга эди ва албатта, ажойиб натижалар берган. Чор ҳукумати ушбу мактабларни дастлаб, ҳали улар ёпилмай туриб, назорат қилишга ўтган, ҳатто ўқувчиларга “Боже, царя храни” (“Худоё, подшони ўзинг асрагин”) мадҳиясини ёдлатишга кўрсатма берган. Рус тили борасида шуни айтмоқчиманки, жадидларнинг кўпчилиги бу тилни яхши билган. Тил концепцияси Бехбудийнинг “Бир тил эмас, тўрт тил керак” деб номланган мақоласида очиб берилган, яъни унга кўра, Россия империясида яшаётганимиз сабабли, айниқса, рус тилини билишимиз зарур. Биз ҳаракатимиз тактикасини ишлаб чиқиш учун қандай бошқарилаётганимизни тушуниб олишимиз шарт. Жадид мактабларида рус тили ҳам ўқитилган. Улар Европа адабиётига жуда қизиққан.

Ҳатто бунга Фитратнинг “Оила ва оилани бошқариш тартиби” рисоласини ҳам мисол келтиришим мумкин. Албатта, рисола мусулмонлар ҳаёти ва мусулмон оиласи меъёрларини билишга асосланган. Юқорида айтиб ўтганимдек, муаллиф рисоласида замонавий кишининг оиласи, эр-хотиннинг фарзандлари билан муносабатлари қандай бўлишига оид Куръон оятлари ва ҳадисларга таянган. Булар барчаси тараккийпарварлик нуқтаи назаридан кўрсатиб берилган. Лекин бошқа тарафдан, чет элларда чоп қилинган кўплаб нашрлардан, хусусан, Шарл Сейнобоснинг (Charles Seignobos – француз тарихчиси) ишлари ва ҳк.дан фойдаланган.

Айна ўринда мен яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман: жадидлар тадбиркорлар, савдогарлар, бошқа турли бой кишилар кўмагида Туркистон ёшларини чет элларга ўқишга жўнатган. Билишимча, 22 киши Германияга, хусусан, Хайделберг университетига юборилган. Яна қанчадир киши Россияга бориб ўқиган. Дарвоқе, 1917 йилдан сўнг Совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилган жадидлар Октябрдаги давлат

тўнтаришидан сўнг маърифатпарварлик ва таълим муассасаларида ишлаган. Ёшларни чет элларга ўқишга жўнатиш давом этаверган. Бу ишда уларнинг хизматлари катта эди. Ўқишга юборилган ёшларнинг ҳаммаси ҳам уни битира олмаган. Улар орасида Саратов университетини ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича битирган Убайдулла Хўжаев ҳам бор эди. Иқтисодиёт университетларини битирган бошқа жадидлар ҳам бўлган. Аммо козок жадидлари орасида Россиянинг Москва ва Санкт-Петербург университетларида ўқиганлари Туркистон жадидларидан анча кўп бўлган.

Ўша вақтда сиёсий вазият жуда огир эди ва кўплаб жадидларнинг сиёсий қарашлари турлича бўлгани ажабланарли эмас. Агар ўтмишга назар солинса, болшевикларни қўллаган жадидлар ким бўлган, улар омон қолиб, Совет ҳокимиятининг бир бўлагига айланганми ёки барчасини бир тақдир кутиб турганмиди?

Биринчидан, илк тўлқинга мансуб жадидларни иккинчи тўлқинга мансуб ёшроқ жадидлар ҳаракати билан солиштириш мумкин эмас. Масалан, 1920 йилдаёқ Бухоро билан Хивадаги жадидларнинг аниқ сиёсий талаблари бўлган. Жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракати иккита: маърифатпарварлик ва сиёсий босқичларга бўлинади. Пировардида Туркистон жадидлари фақат маърифатпарварлик билан ислохотларни амалга ошириб бўлмаслигини тушуниб етади. Агар давлатнинг ўзи мана шу ислохотлардан манфаатдор бўлмаса, улар буни амалга ошира олмайди ва шунда жадидлар тизимни алмаштириш керак эканини билиб олади. Бу 1916 йили Тошкент шаҳар думасига сайлов пайтида яққол кўзга ташланди, ўша пайтда Махмудхўжа Бехбудий ва Закий Валидий Тўгон сайловда номзод сифатида қатнашган эди. Зикр этилган дума раҳбари Малицкий консерватив аҳоли ҳеч нарсани тушунмайди, шунинг учун уларга овознинг жуда кам қисмини ажратиш керак, деб ҳисоблаган. Жуда қучли мунозаралар бўлиб ўтган – бу қурултой депутатларининг баённомаларида акс этган. Лекин улар бу вақтга қелиб, кескин ўзгариб кетган, бу ҳокимият ўзига ҳеч нарса бермаслигини, Совет ҳокимияти мустамлакачи ҳокимият тутимини давом эттираётганини тушуниб етган эди. Жадидлар Кўконда Туркистон Республикасини ташкил қилмоқчи бўлганда, кейинчалик у қонга ботирилди. Бухоро билан Хивага келсак, Бухоро ва Хива жадидлари болшевикларга ишонган. Улар ҳокимиятни эгаллаш ҳамда амир билан хонни ағдариб ташлашга интилиб, болшевиклар билан битим тузади, – балки жадидлар романтик бўлгандир – улар болшевиклар ўзига амирни ағдариб ташлашида ёрдам беришига қаттиқ ишонади. Масалан, Бухорода Файзулла Хўжаев амирни тахтдан ағдариб, ўз мустақил давлатини бошқаришни ва барпо этишни ўйлаган. Ҳа, болшевиклар ёрдам берди. Фрунзе армияси билан Бухорога бостириб кирганини биламиз. Бундан Бухоро меъморчилиги ва аҳолиси катта зарар кўрди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Ҳа, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хива Халқ Совет Республикаси ташкил топди. Жадидлар орзу қилганидек, бу республикалар уларники эди, улар ўша республикаларда ўз гоъяларини амалга ошириши мумкин эди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Болшевиклар аста-секин бу ҳукуматни тиркиратиб юборди. Масалан, Хивада ҳукумат 4 – 5 марта алмашди, РКПБ (Россия коммунистик (болшевиклар) партияси) ишларига тинмай аралашаверди. Пировардида Хива коммунистик партияси ва Бухоро коммунистик партияси РКПБнинг бир бўлагига айланди, 1925 йилда улар Ўзбекистон республикаси таркибига қўшилиб кетди.

Жадидлар ўртасидаги келишмовчиликлар олдин ҳам бўлган. Келишмовчиликлар жадидлар ҳаракати концепциясини ишлаб чиқиш чоғида юзага келган. Ҳокимиятни давлат тўнтариши ясаш йўли билан эгаллаш керак деб ҳисоблайдиган жадидлар ҳам бор эди. Бехбудий билан Мунавваркори кон тўкилишига қарши чиқди. Улар Россия шунчалик кучлики, биз у билан тенг бўла олмаимиз, ҳақларни тинч йўл билан қўлга киритиш зарур, деб билди.

Барча жадидларни бир хил тақдир қутаётган эдими ёки ундай эмасми?

Ҳа, шундай. Бу иккинчи босқич бўлган ва фақат 1937 йилда бошлангани йўқ. Бу анча аввал, 1928 – 1929 йилларда бошланган, чунки ўша пайтда Мунавваркори илк марта ҳибсга олинган, кейин озод этилиб, яна қўлга олинган, ўша камокхонада “Ҳотиралар”ини ёзган. 1931 йили Москвада отиб ташланган. Москвада суд қилинган. У Совет ҳокимиятига қарши чиққан яширин “Миллий иттиҳод” кўпоровчилик ташкилотини тузганликда айбланган. Аслида унинг ташкилоти “Турк ўчоғи” деб аталган ва ташкилотда мустақилликка оид айрим фикрлар билдирилган бўлса ажаб эмас. Бўлиши мумкин. Лекин улар ижтимоий маърифатпарварлик билан шугулланган. Жадидларнинг аксарияти: Абдулла Кодирий ҳам, Чўлпон ҳам, Боту ҳам – Анхор бўйида отиб ташланган. Бизда Анхор устида бир кўприк бўлган – “Алласти кўприк” деб аталган. Ҳозир ўша жойда Катагон қурбонлари музейи барпо этилди, жадидлар ҳақидаги барча маълумотлар шу музейда сақланади. Хатто 76 яшар чол Жунайдулла Иброт ҳам Наманганда ҳибсга олинган ва у ҳам отиб ташланган. Бехбудийнинг ўлимига оид бир неча талкин мавжуд. У Совет ҳокимияти ўрнатилган вақтдан бошлаб, сиёсатдан воз кечиб, маориф идораларида ишлаган. Бирок 1919 йилда у касал эканини важ қилиб, ҳаж қилишга қарор қилади, харкалай, расман шундай деган. Лекин бемор одам қандай қилиб ҳажга бориши мумкин? Бир талкинга кўра, у Туркистон мустақиллиги масаласини муҳокама қилиш учун аллақандай чет эл ташкилотлари вакиллари билан учрашмоқчи бўлган, лекин бу ишботини топгани йўқ. Яна бир талкинга асосан, ўша ёкка кетаётганда, Қарши шаҳрида амир югурдаклари уни қўлга олган ва қатл этган.

Жадидлар нима ишларни қилишга муваффақ бўлган ёки муваффақ бўлмаган, қандай хатоларга йўл қўйган ва қандай мерос қолдирган?

Улар қандай мерос қолдиргани мен юқорида гапириб берган нарсалардан маълум бўлди. Жадидлар нималарга муваффақ бўлди? Одамлар онгида ўзига хос ўзгариш яшашнинг уйдасидан чиқа билди. Жамиятни ўзгартириш концепциясини ярата олди ва концепция барча масалаларни қамраб олди. Янги авангард жадидлар адабиёти, янги драматургияга асос солди. Туркистонда биринчи театрни ишга туширди. Таълимнинг янги шакллари яратди. Улар – эҳтимол кичик кўринишда бўлгандир, аммо – бутунлай янги маданият яратди. Одамлар онгида аёлларга нисбатан кичик бўлса-да, ўзгариш ясай билди, чунки асарларида аёлларнинг жамиятни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Албатта, бирдан паранжини ташлаб, юзни очиб, жамият ишларида иштирок этишга даъват этмайди. Лекин фикримча, улар шунга етиб бориши аниқ эди, чунки Абдурауф Фитратнинг мен эслаб ўтган оила ҳақидаги китоби асосий қисми аёлга, уни қандай ҳурмат қилиш ва унга қандай муносабатда бўлишга бағишланган. Ўша китобда “Қиз болалар ўқиши керакми?” деган банд ҳам бор. Муаллифга кўра, инсоннинг

интеллектуал ҳолати, оладиган таълими кўп жихатдан аёлларга, оналарга боғлиқ. Ёзишча, эркак тирикчилик учун егулик-ичгулик топиш билан банд, аёл эса эркакдан кўра маълумотлироқ бўлиши шарт, чунки у, асосан, болалар билан шугулланади. Дарҳақиқат шундай. Аёллар таълим ривожланганини ва аёллар мактаби бўлганини, уларда аёллар таълим олиб, Шарк мумтоз адабиёти ўқитилганини биламиз. Албатта, мен техникага оид фанлар ҳақида гапираётганим йўқ, лекин шундай бўлса ҳам, аёллар таълим олган. Лекин бу – бизнинг маданий меросимиз, умумий меросимизнинг бир бўлагидир. Умуман, бу – нафакат Ўзбекистоннинг, қолаверса, барча халқларнинг, барча туркий халқларнинг, туркий бўлмаган халқларнинг, Марказий Осиё халқларининг мероси, чунки бу интеллектуал муҳит мавжудлигини, эрлар, уларнинг онги ва интилишлари қандай бўлганини кўрсатади. Масалан, Бехбудий мавзусига яна бир қарра қайтаман. У ҳажга борганида Байрут университетини зиёрат қилади. Хайратга тушиб, “Эй Худо, буларнинг лабораторияларини қаранглар”, деб ёзади. У қимё лабораторияси билан танишади. “Бу ерда қандай талабалар ва кизлар ўқиётганини қаранг! Ютуқлар ҳам шунча бўладими! Нега бу мусулмон мамлакатига бундай университет бор, биз ҳам мусулмон мамлакатимиз, лекин Туркистонда олий даражадаги бирорта ҳам, ҳа-ҳа, бирорта ҳам таълим муассасаси йўқ?”. Албатта, мадрасалар кўп бўлганини биламиз. Лекин бир пайтлар, масалан, Х асрда билим жарчиси бўлган мадрасалар XIX асрга келиб, бутунлай ўзгариб кетди. Билим олишнинг ҳеч бир талабига жавоб бера олмайдиган бўлиб қолди. Жадидлар нималарни эплай олмади? Таассуфки, улар Туркистон мухториятини ташкил қилганида [муваффақиятсизликка учради] – Козогистонда қандай бўлганини билмайман, лекин Козогистондаги вазият бошқачароқ бўлган, чунки улар Россияга, Европага яқинроқ эди. Яна қайтариб айтаман, олий таълим олган, Россия ва ҳатто чет элларда ўқиган одамлар, жадидлар кўп бўлган. Бу ерда-чи? Туркистон жадидлари орасида мутахассислар кам, жуда оз бўлган. Улар иктисодиётни умуман тушунмаган. Замонавий юриспруденция, жумладан, жаҳон юриспруденцияси ҳақидаги тушунчаси жуда заиф бўлган. Давлатни бошқаришга киришиш учун мана шу соҳалардаги билим етишмаган. Ваҳоланки, улар республика, давлат қураётган эди. Улар орасида бундай мутахассислар бўлмаган – уларнинг камчилиги шу эди. Катта ҳатоси болшевикларга ишонгани бўлган. Мен Бухоро ва Хива жадидларининг уларга бундай кўр-кўрона ишонганини, дўст деб билганини, ёрдам беради, деб қутганини, давлат тўнтаришидан сўнг мухториятни ўзимиз бошқарамиз, деб ўйлаганини назарда тутяпман. Менимча, уларнинг камчиликлари – мана шулар.

[Муаллиф: Дамир Сатторов](#)